

Эҳтиром: Марҳум Мустафоқул домла номига масжид бунёд этилади



22:32 / 03.09.2020 1512

Кунни кеча Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгаши аъзоси, кўп йиллар диний соҳада меҳнат қилган, фазилатли уламо Ҳожи Мустафоқул домла Меликов вафот этганлари ҳақида хабар берилган эди.

Бугун, 3 сентябрь кунни Президент Шавкат Мизиёевнинг марҳум уламо фарзандлари ва яқинларига чуқур ҳамдардликларини етказиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Рустам Қосимов ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов бошчилигидаги бир гуруҳ мутасаддилар, уламолар ва имом-домлалар Ҳожи Мустафоқул домла хонадонига ташриф буюрдилар. Дастлаб, Куръони карим оятлари тиловат қилиниб, марҳум уламанинг руҳи покига бахшида этилди.

Ташриф асносида маҳзун кўнгилларни жуда ҳам кенг ёриштирган энг асосий иш шу бўлдики, давлатимиз раҳбари томонларидан Ҳожи Мустафоқул домланинг энг оғир ва синовли дамлардаги фидокорона меҳнатларини юксак қадрлаб, раҳматли уламо 35 йил меҳнат қилган Самарқанд вилоятидаги жоме масжидни энг замонавий шакл ва миллий

меъморчилигимиз анъаналарига мос ҳолда бунёд этиш топшириғи берилди. Шунингдек, янгидан барпо этиладиган муҳташам жоме масжидга Ҳожи Мустафоқул домла номини қўйилиши алоҳида маълум қилинди.



Ушбу қалбларга ёруғлик бахш этувчи хабарларни эшитган ҳожи Мустафоқул домланинг аҳли аёли Фотима ҳожи она, фарзандлари Абдуллоҳ, Убайдуллоҳ, ёру дўстлари ва шогирдлари кўзларида ёш ила президентимиздан миннатдор эканларини изҳор этиб, қалбларидаги энг эзгу дуоларини қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу фазилатли уламони қадрлаш Янги Ўзбекистонда дин соҳаси ва имом-домлаларга берилаётган юксак эътиборнинг яна бир бор яққол намунаси бўлди.

Дарҳақиқат, Ислом динининг эзгу таълимотларини кенг тараннум этиш ва Ҳақ таолонинг динига хизмат қилиш савоби улуғ амаллардан ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда Ўз динига хизмат қилувчиларни шундай мадҳ этади: **«Эй, имон келтирганлар! Агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангиз (динининг ривожини учун ҳаракат қилсангиз), У ҳам сизларга ёрдам берур ва қадамларингизни собит (барқарор) қилур»** (Муҳаммад

сураси, 7-оят).

Ояти каримада таъкидланганидек, раҳматли Ҳожи Мустафақул домла ана шундай яхши ва эзгу хислатлар эгаси эдилар.

Аллоҳ таоло охират сафарига кузатилган бу фазилатли олимни мағфиратига олсин, яқинларига сабру жамил бериб, қазои қадарларини имон ила, розилик ила қарши олганлар қаторида ажру мукофотлар ато этсин.



